

МАҲАЛЛА ТИЗИМИ БМТ МИНБАРИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

2-с.

Ишсизлик ва камбағаллик йил охиригача тугатилади

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз”.



3-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2024 ЙИЛ
16 НОЯБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№73
(2211)

WWW.UZMAHALLA.UZ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Байроғимиз ҳар хонадонда ҳилпираб турсин

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинганининг 33 йиллиги муносабати билан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



Унда Уюшма, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги мутасаддилари, ҳудудлар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ва бошқа масъул ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимиз бўйлаб “Миллат байроғи” шиори остида нишонланадиган байрам тадбирларига тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, жорий йилда бу сана 10 кунлик байрам сифатида кенг нишонланади. Унинг доирасида давлат байроғига бўлган ҳурмат, эҳтиром акс этган видеороликлар, челленжлар, танловлар ташкил қилиш, ўтказиладиган ҳар бир байрам тадбирининг сифати, тартиб-қоидаларига алоҳида эътибор бериш, хориждаги ватандошларни байрамга кенг жалб этиш лозимлиги қайд этилди.

Мажлисда вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва ҳудудлар ҳокимлари ўринбосарларининг кун тартибидаги масала бўйича ҳисоботлари эшитилди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...



ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ОДАМЛАР ҲАЁТИДА АКС ЭТАЁТИР



2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

“Интилганга қанот, кўмакка муҳтожга мадад бўляпмиз”

Топшириққа мувофиқ, “миграция баланси” 3 та йўналишда, хусусан, хорижда ишлаш истагини билдирган, чет давлатда бўлиб турган ва миграциядан қайтган фуқаролар билан мулоқот қилиш орқали шакллантирилди. Ҳозиргача 94 минг 701 нафар аҳоли орасидан 2 минг 380 нафари билан суҳбатлашилди.

4-с.

Ижтимоий фаоллик ва дахлдорлик ҳисси одамлар ҳаётини ўзгартиради

“Юртдошларимизнинг ижтимоий фаоллиги, ўз маҳалласи, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик ҳисси ортмоқда. Бу борада “Ташаббусли бюджет” дастури жорий этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу дастур доирасида илгари сурилаётган таклифлар асосида аҳоли ҳаётига тааллуқли кўпгина долзарб масалалар ўз вақтида ва самарали ҳал этиляпти”.

6-с.

“Қанчалик тўғри ёки хато бўлмасин, одамларни тинглайман”

“Хонадонларга кирганда, ҳеч қачон ўз фикримни маъқулламайман. Қанчалик тўғри ёки хато бўлмасин, одамларни тинглайман. Қобилиятидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга йўналтираман. Янги ғояларни таклиф қилиб, ички иқтидорини уйғотишга уриняпман”.

7-с.

Ҳаётга қараш ўзгаряпти, ҳаракат ва интилишга тушганлар кўп...

“Хонадонларни айланиб, аҳоли муаммоларини ўрганишнинг ўзи билан ижобий натижага эришиш қийин. Халқ фаровон яшаши учун, аввало, уларнинг саволларига жавобимиз бўлиши даркор. Азият чекаётган қийинчиликларига ечим топиб берсаккина уларнинг ишончини қозонамиз”.

8-с.





ДИҚҚАТ! ОБУНА — 2025

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий нашри — «Mahalla» газетаси ҳамда «маҳалла еттилиги» вакиллари учун ўзига хос қўлланмага айланиб улгурган «Mahalla ko‘zgusi» журналига 2025 йил учун обуна бўлинг!

“MAHALLA” ГАЗЕТАСИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 148

“MAHALLA KO‘ZGUSI” ЖУРНАЛИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 862

Мурожаат учун телефонлар:
+998 71 233 39 89, +998 71 233 10 92

ШОШИЛИНГ!

Маҳаллани Mahalla »сиз тасаввур этиш қийин...



Президент Шавкат Мирзиёев касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволашга оид ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ билан танишди.



Президент “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҚОНУННИ ИМЗОЛАДИ.



Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш орқали жисмоний реабилитацияни такомиллаштириш бўйича ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.

ЭЪТИРОФ

МАҲАЛЛА ТИЗИМИ БМТ МИНБАРИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



БМТнинг Женевадаги штаб-квартирасида “Сурияннинг шимоли-шарқидан қайтганларни реабилитация ва реинтеграция қилиш – Ўзбекистон тажрибаси – глобалликдан маҳаллий даражагача” мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур халқаро анжуманда қуролли можароли ҳудудлардан қайтганларни реабилитация ва реинтеграция қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон тажрибаси ва Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан яқинда ташкил этилган Минтақавий экспертлар кенгаши фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Уч минг йиллик тарихга эга маҳалладаги қадриятлар, меҳр-оқибат, ғамхўрлик, аҳиллик каби хусусиятлар бугун ҳам ўзбек маҳаллаларини безамоқда. Айниқса, ўзбек халқи бошига иш тушган инсонга ёрдам қўлини чўзишга ўзини бурчли, деб билади. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси халқаро бўлими мудири Аюбхон Файзуллаев Ўзбекистондаги маҳалла фаолияти, Президентимиз жорий этган ноёб тизим — “маҳалла еттилиги” хусусида маълумот берди.


УЮШМА КУНДАЛИГИ

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА “ЕТТИЛИК” ТАШАББУСКОР БЎЛЯПТИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидан иборат Республика ишчи гуруҳларининг Қашқадарё вилоятидаги ўрганишлари давом этмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари Яккабоғ туманидаги маҳаллаларда бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолиятини кўздан кечирди. Маҳаллаларни камбағаллик, ишсизлик, оилавий ажралишлар, жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш борасидаги ишлар ҳолати билан танишди. Жумладан, масъуллар тумандаги “Ёшлик”, “Жийда”, “Қайрағоч”, “Чимқўрғон” маҳаллаларида амалга ошириладиган ишлар юзасидан вазифаларни белгилаб берди.

Айтиш керакки, йил якунига қадар вилоят бўйича 17 мингта оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражасини 8,8 фоиздан 7,3 фоизга тушириш режалаштирилган. Хусусан, 56 минг нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланади, 17 минг 186 та оила қўшимча даромад манбаига эга бўлади. 462 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудудга айлантирилади.



Шунингдек, 5 минг 630 та микролойиҳани ишга тушириш ҳисобига 39 минг 410 та, 19 та инвестиция лойиҳалари эвазига 1 минг 26 та, халқаро автомобиль йўллари бўйида хизмат кўрсатиш ва савдо объектлари ташкил этиш орқали 433 та янги иш ўринлари яратилади. 162 та кўп қаватли уйларни қуриш, 3 та “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш, 59 та ижтимоий объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларида жами 6 минг 11 нафар камбағал оила аъзолари жалб қилинади. 612 та хонадонда иссиқхона ташкил этилади.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

Ўзгариш ва янгиланишлар одамлар ҳаётида акс этаётир

Ҳар бир маҳалла ўзида юртнинг сирини сақлайди. Сирни билиш эса жуда осон — у билан танишиш кифоя. Унда ҳамма нарса очиқ-ойдин. Барчаси кўринганидек. Бу ерда халқнинг кайфияти, дастурхонида нима бор-йўқлиги, мамлакатда қандай ўзгаришлар бўлаётгани рўй-рост намоён. Давлат раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари давомида маҳаллаларни айланиши анъанага киргани халққа манзур бўлаётгани ҳам шундан.



Абдували ЭЛМУРОДОВ, Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳабиб Абдуллаев номидаги маҳалла раиси.

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам — 2023 йил 18 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев маҳалламизга ташриф буюриб, бу ердаги шароитлар билан танишганди. Маҳалламизда туман фаоллари, нуронийлар билан суҳбатлашиб, жаҳондаги ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда дунёқарашимизни ҳам ўзгартиришимиз кераклиги, ҳар бир фуқаро “бу менинг уйим, менинг маҳаллам, менинг туманим, менинг Ватаним” деб яшаса, натижалар биз кутгандек бўлишини қайд этганди.





Буни қарангки, Президент ишончининг амалий натижаларини бугун ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Аслида, бир йил — асрларни қаритган тарих учун лаҳзага тенг. Бироқ шу қисқа фурсат ичида маҳалла тизимида, жумладан, йиғинимизда амалга оширилган ишларга назар ташласак, ўн йилларга татигулик ўзгаришлар юз берди. Энг аввало, одамлар турмуш фаровонлиги ортди, улар маҳаллани сўзда эмас, амалда ўзига энг яқин тузилма сифатида қабул қиляпти. Муаммоси билан қайсидир идорани нг эшиги олдида сарғайган вақтлар, қоғозбозлик, ортиқча бюрократия ўтмишга айланяпти, барча масалага маҳалланинг ўзида ечим топишга имконият яратилди.

Бугун йиғинимизда 4 минг 500 нафарга яқин аҳоли яшайди. Ҳудудда элликка яқин савдо дўконлари ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим ташкилотлари фаолият юритмоқда. 38 та кўп қаватли уй ва тўртта ижтимоий объектга “Имона барака ланд” бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатади.

Ҳудудда аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилган. “Оталар чойхонаси”, амфитеатр, “Wi-Fi” ҳудуди барпо этилган, ички йўллар ва болалар майдончалари таъмирланди. Масъулларнинг эътибори, аҳолининг ҳамжиҳатлиги сабаб ҳудуднинг манзараси тубдан ўзгарди. “Яшил макон” лойиҳаси доирасида 5 мингга яқин манзарали ва мевали кўчатлар экилди. Иккита артизиан қудуқ қазилиб, яшил майдонларни суғориш тизими яратилди.

Ўтган йиллардаги тажрибадан келиб чиқиб, энергия тармоқлари таъмирланиб, қишга пухта тайёргарлик кўриляпти. Хусусан, трансформаторлар кўздан кечирилиб, электр симлари алмаштирилди. Кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари пардозланди, янги эшиклар ўрнатилди. Уйларнинг ертўласидаги иссиқлик қувурлари янгиланди. Энергияни тежаш, хонадонлардаги иссиқликни асраш, ҳар бир инсонда бунга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш ҳаётий заруратга айланди.

Шу ўринда тизимдаги ўзгаришлар биз, маҳалла фаолларини жуда мамнун этганини алоҳида қайд этаман. Негаки, шундай вақтлар бўлдики, маҳаллага ёрдам сўраб чиққан кишини қуруқ қайтаришга мажбур бўлдик. Айниқса, шаҳар шароитида ногиронлиги бор, эҳтиёжманд шахсларни қўллаб-қувватлай олмасангиз, бундан-да оғриқлиси йўқ. Бугун-чи, вазият тамомила бошқача. Оғир шароитда яшаётганларга “еттилик” кўмагида ижтимоий ёрдам кўрсатяпмиз, “маҳалла бюджети” орқали ҳатто маҳалла номидан ниманидир уларга илина оляпмиз.

Умуман олганда, ўтган бир йил сарҳисобига назар ташласам, нафақат маҳалламиз қиёфасида, балки одамларимиз дунёқараши, ҳаётга интилиши, яхши яшаш учун изланишида ҳам катта ўзгаришлар бор. Буни қандайдир рақамлар билан ифодалаб бўлмайди. Шунчаки маҳалланинг, айни йўналишнинг бундан бир неча йиллар олдинги манзарасини, шароитини, имкониятини кўз олдига келтира олган киши аниқ хулоса бера олади. Бугунги янгиланишлар маҳаллани ҳақиқий куч сифатида шакллантирди, одамлар ҳаёти, тақдирида тутган ўрнини кўрсатиб берди. Ўз навбатида мазкур тизимга одамларнинг ишончи ортди, маҳаллани ўзига суянч сифатида кўра бошлади. Соҳадаги ўзгаришлардан кутилган асосий мақсад ҳам шу, аслида.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Субсидия ажратиш тартибига ўзгартириш киритилди

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 ноябрдаги тегишли қарори билан ипотека кредити бўйича субсидия ажратиш тартибига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.



1. Ипотека кредитлари бўйича субсидиялар тўлаб бериладиган фуқароларни танлаб олиш ва баҳолаш жараёнлари автоматлаштирилди. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “subsidiya.idm.uz” дастурий таъминот тизими Адлия вазирлиги, Кадастр агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Солиқ қўмитаси ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг мавжуд электрон маълумотлар базалари билан интеграция қилинди.

Эндиликда “subsidiya.idm.uz” орқали ариза берувчининг маълумотлари автоматлашган тарзда текширилади ва баҳоланади. Оила таркиби, ариза берувчининг номида тураржой мавжуд ёки йўқлиги, “Лабор – миграцион” дастурида рўйхатдан ўтгани, оила аъзоларининг ўртача ойлик даромадлари, “Тиббий-ижтимоий экспертиза” тизимидан рўйхатдан ўтгани шулар жумласидан.

2. Эндиликда агар ариза берувчи ва унинг турмуш ўртоғининг ўртача ойлик даромадлари миқдори белгиланган меъёрлардан кам бўлса, даромадлар ҳисоб-китобига уларнинг яқин қариндошларининг даромадлари ҳам киритилади. Ариза берувчи, шу жумладан, унинг турмуш ўртоғи ва яқин қариндошларининг жами ўртача ойлик даромадлари бўйича балл берилмаган тақдирда, ариза бошқа мезонлар асосида кўриб чиқилмаслиги ва автоматик равишда субсидия ажратишни рад этиш учун комиссия котибига юборилиши белгиланди. Бу жараёнда сўнгги уч ойнинг камида бир ойида даромадга эга бўлиш талаб этилади.

3. Аризаларни кўриб чиқиш жараёни 14 иш кунидан 5 иш кунигача қисқартирилади. Субсидиялар қоплайдиган фоизлар миқдори ҳам ўзгаради. Янги кредитлар бўйича йиллик 12 фоиздан ортиқ қисми (ҳозир — 10 фоиздан ортиқ), 2025 йилдан бошлаб а Марказий банкнинг асосий ставкасидан ортиқ бўлган қисми, яъни ҳозирги 13,5 фоизни ташкил этган ҳолда қопланади.

Дастлабки тўлов ва фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидияларни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги беш иш куни ичида тўлайди. Илгари тўловлар ҳисобот ойининг 25-кунига қадар амалга ошириларди. Бундан ташқари, эндиликда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун ипотека субсидиялари ажратилмайди. Ушбу мақсадлар учун ипотека кредитлари фақат камбағалликни камайтириш дастурига киритилган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга берилади.

3. Ариза берувчига субсидия ажратиш рад этиладиган ҳолатларга аниқлик киритилди. Хусусан, тақдим этилган маълумотлар нотўғри ёки сохта бўлса, жорий йилда ҳудуд учун ажратиладиган субсидия сони тугаса, илгари ипотека кредитлари бўйича субсидиядан фойдаланган фуқаролар ва уларнинг турмуш ўртоқлари такрорий мурожаат этса, аризани кўриб чиқишда ариза берувчининг турмуш ўртоғи аввал топширган ва кўриб чиқиш жараёнида бўлган ариза аниқланса, ариза рад этилиши белгиланди.

БУНЁДКОРЛИК

“Ёш авлод”да янги бино



Нукус шаҳридаги “Ёш авлод” маҳалласининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Айтиш керакки, янги иморат аҳолининг келиб-кетиши учун қулай бўлган манзилда — Дўстлик канали бўйида қад ростлади.



Қайд этиш лозимки, мазкур иншоот маҳалла аҳлининг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги рамзи ўлароқ бунёд этилди. Боиси янги маҳалла биноси “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2024 йилги биринчи мавсумида ютиб олинган 1 миллиард 360 миллион сўм маблағ эвазига қурилди. Унда “маҳалла еттилиги” учун алоҳида хоналар ажратилган, фуқароларни қабул қилиш, муаммоларига ечим топиш учун барча шароитлар яратилган.

— Маҳалламиз 2022 йилда аҳоли сони кўпайиб кетгани ҳисобга олиниб, “Қумбуз овул” маҳалласидан ажралиб чиққан эди, ***— дейди маҳалла раиси А.Кудайназарова.*** *— Йиғиннинг “Ёш авлод” деб номлангани бежиз эмас. Сабаби, маҳалладаги 38 та кўп қаватли уйларда яшовчи 4 минг 200 нафардан зиёд аҳолининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Энди янги иморатда аҳолига сидқидилдан хизмат қилиб, уларнинг оғирини енгил қилишга, муаммоларига малҳам бўлишга интиламиз.*

Маълумот учун, жорий йилда биргина Нукус шаҳрининг ўзида 10 та маҳалла фуқаролар йиғинига янги бинолар қуриб берилди, йил якунига қадар яна қатор маҳаллаларда хизмат бинолари фойдаланишга топширилади.



Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида экологик ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича ДЕКЛАРАЦИЯ ИМЗОЛАНДИ.



“ЙИЛ ИМОМИ — 2024” кўрик-танловида 1-ўрин Наманган вилояти “Ҳомиддин қори” жоме масжиди имом-хатиби Муҳаммад Бобир домла Насриддиновга насиб қилди.



2024 йилнинг III чорагида Ўзбекистон уй-жой бозорида ФАОЛЛИК ДАРАЖАСИ ўтган йилга нсибатан 7,4 фоизга пасайган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Иззатилла БОБОХОНОВ. Мингбулоқ тумани:

— Оилавий тадбиркорлик дастури асосида бизнесимни йўлга қўйиб, тикувчилик корхонамда 5 та иш ўрни яратганман. Яқинда “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, 100 миллион сўм гаровсиз микрокредит олдим. Натижада иш ўринлари 10 тага етди. Фаолиятим доирасида хорижий давлатларга хизмат сафарига боришга тўғри келяпти. Аммо энди кредит олганим учун хорижга чиқа олмаслигимни айтишди. Чиндан ҳам кредит олганларга тақиқ қўйилганми?

“КРЕДИТ ОЛГАНИМ УЧУН ХОРИЖГА ЧИҚА ОЛМАЙМАНМИ?”

Акмал НАЗАРОВ, Марказий банк департамент раҳбари:



— Қонунчиликда бундай тақиқ йўқ. Чунки банк ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар кредит шартномаси билан тартибга солинади. Шартномада фуқаронинг хорижий давлатга чиқишига чеклов ўрнатадиган қоида йўқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига асосан, ҳар ким мамлакатдан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқига эга. Албатта, қонунда белгиланган чекловлардан ташқари. Масалан, сизни суд қарорига асосан қарздор, деб топиб, ундириш белгиланган бўлса, қарзларни вақтида тўламаган ва иш Мажбурий ижро бюросига ўтган тақдирда хорижга чиқишингиз чекланади. Юқоридагиларга кўра, хорижга сафар олдидан бундай тақиқ бор ёки йўқлигини текшириб олганингиз маъқул.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунга асосан, белгиланган талаблар узрсиз бажарилмаса, давлат ижрочиси қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистондан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Шу каби истисно ҳоллар бўлмаса, банкдан кредит олганингиз учун хорижга чиқиш ҳуқуқингиз чекланмайди.

ТАҲЛИЛ

Аҳолида яхши яшаш иштиёқи кундан-кун ортяпти

Маҳалла тизимидаги ислоҳотлар натижаси туман ҳаётида яққол бўй кўрсатмоқда. “Маҳалла еттилиги” фаолиятининг ташкил этилиши натижасида тизим ходимларининг ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди. Айниқса, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғининг 10 фоизи маҳалла ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши ортидан молиявий мустақиллик таъминланди.



Малика ҚУДРАТОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Дўстлик тумани бўлими бошлиғи.

Жорий йил бошида жами 477 миллион 676 минг 376 сўм маблағ ҳар бир маҳалланинг жамғарма ҳисобрақамига келиб тушди. Бунинг эвазига ички йўллар шағаллаштирилди, ичимлик сув тармоғи тортилди, зарур мебель жиҳозлари, компьютер техникаси ва бошқа ускуналар сотиб олинди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш ҳамда уларнинг турар жойларини таъмирлаш, жиҳозлаш учун 24 миллион 968 минг сўм сарфланди.

Бундан ташқари, маҳаллалар қиёфаси янгиланиб, инфратузилма яхшиланмоқда. “Обод хонадон”, “Обод маҳалла”, “Обод кўча” мезонлари асосида “Саритепа” маҳалласида маъмурий бино, профилактика инспектори учун хизмат уйи қурилди. Кўчаларга 75 дона янги электр устун ўрнатилиб, 7 км. масофада тармоқ тортилди. 1,1 км. ички йўл бетонлаштирилди. 1,2 км. тупроқ йўл шағаллаштирилди. 250 дан ортиқ хонадон намунавий кўринишга келтирилди. “Обод маҳалла” дастури асосида “Саноатчилар” маҳалласининг инфратузилмаси яхшиланди. “Боғзор”, “Мевазор”, “Чинобод” маҳалласида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.

Таъкидлаш керакки, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси одамларни бирлаштирди. Аҳоли ўз ҳудуди, яшаб турган жойи ободлиги учун масъулиятни ҳис қилди, яхши яшаш йўлида фаол фуқаролик позициясини ишга солди. Жорий йилда тумандан 7 та таклиф ғолиб бўлди. Жумладан, “Манас” маҳалласидаги ички йўллар, “Мевазор” маҳалласидаги “Ёшлар боғи” мукаммал таъмирланди. Ғофур Ғулом номидаги маҳалла биноси замонавий қиёфага кирди.



Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада режа тузиб олинган. Шу кунгача 1 минг 333 нафар фуқаро бандлиги таъминланди. “Сайхунобод тажрибаси” асосида 74 та кам даромадли хонадон танлаб олиниб, уларга 4 млрд. 541 млн. сўм имтиёзли кредит берилди. Натижада 712 нафар фуқаро ишли бўлди. Тадбиркорликка жалб этиш учун 720 нафар талабгорга 36 млрд. 300 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди. Шундан 6 миллиард 864 миллион сўм Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида тақсимланди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида қайта хатлов ўтказилиб, хонадонларнинг ижтимоий аҳволи ўрганилди. Ўрганиш жараёнида камбағаллик даражасига тушиб қолган фуқаролар дуч келган муаммоларни бартараф этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, даромад манбаларини яратиб, оила бюджетини ошириш, моддий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиш орқали камбағалликдан чиқариш белгиланди. Ҳозиргача йил бошида рўйхатга олинган 1 минг 385 та камбағал оиланинг 80 фоизи камбағалликдан чиқарилди.

Тизимдаги ўзгаришлардан яна бири — “Хорижга иш — маҳалладан” тамойили жорий этилгани бўлди. Энди хорижга ишлашга кетадиган ва миграциядан келадиган фуқаролар билан алоҳида ишланмоқда. Жорий йил 1 минг 419 нафар мигрант рўйхатга олинганди. Олиб борилган ишлар натижасида 331 нафари оиласи бағрига қайтди. Уларнинг 54 нафари доимий ишга жойланди, 121 нафарига ер берилди, 27 нафар хотин-қиз тикувчилик ва бошқа соҳаларда банд қилинди.

Бир сўз билан айтганда, бугун маҳаллаларнинг ижтимоий манзараси ўзгариб, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга, ўз тақдири ва эртанги кунга ишончи ортмоқда.

ТАЖРИБА

Ишсизлик ва камбағаллик йил охиригача тугатилади





Маҳаллада яшовчи Чори Авазов ишсиз эди. Хатлов натижасига кўра, қизиқиши ва имкониятини ўргандик. Хонадонидаги 3 сотих бўш ер майдонидан самарали фойдаланиш мумкинлигини аниқладик.

Камол МУСАЕВ, Ангор туманидаги “Илғор” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Ўзи болаликдан деҳқончилик билан шуғулланган. Шу боис унга имтиёзли кредит асосида иссиқхона қуриб бериш таклифини билдирдик. Таклиф маъқул келди. Бугун томорқасидаги иссиқхонада карам парваришламоқда. Жорий йилнинг ўзида икки марта ҳосил олиб, 40 миллион сўм даромад топди. Муҳими, ўзи ва оила аъзоларининг бандлиги таъминланди.

Хатловда уйма-уй юриб, одамлар билан суҳбатлашганимизда кўп нарсалар ойдинлашди. Масалан, тадбиркорлик қилиш истагидаги қўлида ҳунари бор, ҳовлисида жой тайёр фуқаролар маблағи йўқлиги учун имконияти чекланиб қолган. Яна кимдир қаерга мурожаат қилишни, қандай йўл тутишни билмаганидан ишсизлар сафида. Ўрганишлар натижасида шундай фуқароларга зарур маслаҳат ва амалий кўмак берилди.

Янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд оилаларга субсидия ажратиш, доимий ва мавсумий ишга жалб қилиш борасида ютуқларга эришяпмиз. Ўтган йили тадбиркорлик йўналишида 55 нафар талабгорга кредит ажратиб, 10 та хонадонга иссиқхона қуриб берилди.

Ғулом Чориев ўз ҳисобидан кичик логистика маркази, уй меҳмонхонаси ва 100 тонналик музлатгич ташкил қилди. Натижада мавсумий 50 та, доимий 11 та янги иш ўрни яратди.

Йил бошидаги хатловда 48 нафар ишсиз аниқланганди. Уларнинг 24 нафарига кредит, 4 нафарига субсидия ажратилди. Қолган ишсиз фуқаролар билан яккама-якка суҳбатлашилди. Ҳозир улар касб-ҳунар марказида ўқитилмоқда.

Асосий “драйвер”имиз — деҳқончилик. Халқимиз меҳнаткаш, ердан фойдаланиш сирини яхши билади. Шуни инобатга олиб, ҳудудда ишсизликни қисқартиришда томорқадан самарали фойдаланиб келинмоқда. Аҳоли хонадонидаги ер 317 гектарни ташкил этади. Бу майдонда йилига 25 минг тонна карам етиштирилади. Шунинг 3 минг тоннаси ички, қолган қисми хорижга экспорт қилинади. Деҳқонлар гулкарам, тошкарам, қизилча ва бошқа полиз экинлари етиштирмоқда. Карам уруғи Голландиядан келтирилгани, таннарх ошиб кетишига сабаб бўлаётганди. Шунинг учун айрим уруғ турларини маҳаллийлаштирдик. “Даладан — бозорга” тамойили асосида “Онлайн бозор” платформаси орқали 8 та экспортёр жалб қилдик. Ҳосил шу ернинг ўзида сотилмоқда.

Бугунги кунда камбағалликни қисқартириш — “маҳалла еттилиги” ходимларининг зиммасидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланди. Биз ҳам “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз. Шу асосида 10 та камбағал оила портрети яратилди. Улар раҳбар ходимларга бириктирилиб, бугунгача 3 нафарига кредит ажратилиб, 1 нафарига субсидия асосида иссиқхона қуриб берилди.

Бир сўз билан айтганда, йил охиригача маҳалла ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айланади.

ТАШАББУС

ҲУНАРЛИ АЁЛ ОИЛАНИНГ БАХТИ

Ҳудудда 3 минг 52 нафар аҳоли истиқомат қилади. Йил аввалида ўтказилган хатловда 22 нафар ишсиз аниқланганди.

Умиджон ХОЛОВ, Жондор туманидаги “Қазоқон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Ҳоким ёрдамчисининг фаолияти камбағаллик ва ишсизлик даражасига қараб баҳоланади. Шу талабдан келиб чиқиб, рўйхатга олинган ишсизлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратганман. Ваколат доирасида талабгорларга субсидия асосида мотокультиватор, тикув машинаси, гўзаллик салони анжомлари олишда кўмаклашяпман.

Бундан ташқари, “Излаган имкон топади”, деган нақлга амал қилиб, йўналишимда янги ғоя ва ташаббусларга қўл уряпман. Бунга ёрқин мисол — яқинда “Тадбиркор аёл” ассоциациясининг Жондор тумани ҳудудий бўлими грантига сазовор бўлдик.

Ушбу халқаро ташкилот хотин-қизларни тадбиркорлик ва касбга ўқитиш, ижтимоий мавқеини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ хўжалиги, саноатга замонавий технологияларни татбиқ қилиш, гендер тенгликни таъминлаш мақсадида танлов эълон қилганди. Танловга “Аёл ҳунари — оила бахти” лойиҳасини тақдим этдим. Якуний натижага кўра, ғолиблар сафидан жой олдим. Маҳалла биносида “Касбий кўникмалар маркази”га қарашли ўқув маскани ташкил қилдик. Ташкилотчилар маҳаллага ажратган 70 млн. сўм грант эвазига 4 та тикув, 1 та оверлок машинаси, катта стол ҳамда газлама харид қилдик. Ҳозирда ўқув масканида ҳудудда истиқомат қилаётган 20 нафар ишсиз хотин-қиз касб-ҳунар ўрганмоқда.



ТОМОРҚА МАКТАБИ

ШАФТОЛИДАН МЎЛ ДАРОМАД ОЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Шафтоли барвақт ҳосилга киради. Меваси жуда чиройли, лекин бошқа данакликларга нисбатан совуққа чидамсиз. Экилгандан кейин 3-4 йил ўтиб, 50-150 кг.гача ҳосил бериши мумкин.

Алижон ЭСОНҚУЛОВ, Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори.

Ихчамлиги туфайли уни парвариш қилиш ва ҳосилни териш осон.



Навига қараб, турли муддатларда пишиб етилади. Эртаки нави июнь ойида, ўртаки нави август ойида пишади. Кечки нави сентябрь-октябрь ойларида тайёр бўлади.

Ушбу мева водород ионлари миқдори бироз юқори бўлган тупроқни хуш кўради. Агар тупроқ шу талабга мос келмаса, ҳосилдорлик кам бўлади. Бундан ташқари, сувни яхши ўтказувчан тупроқда яхши ривожланади. Аксинча бўлса, гўнг, қум ёки торф (ўсимлик чириндилари) қўшиб, аралаштириш тавсия қилинади. Юқоридаги тупроқ таркибини яхшилашга мўлжалланган маҳсулотларни айнан кўчат экилиши режалаштирилаётган чуқурчага солмаслик керак. Чунки яхши сув ўтказмайдиган тупроқда томирлар нобуд бўлади, ўсишдан тўхтайди.

Шафтолининг ҳамма навлари учун енгил ва унумдор тупроқлар қулай. Кучли шўрланган ва ботқоқланган ер мутлақо тўғри келмайди. Сизот сувлари яқин жойлашган ерда юқори ҳосил беради.

Тўғри шакл бериш, буташ, шохини сийраклаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар йили февраль ойининг охири, март ойининг бошида шох-шаббаси сийракланади, нимжон новдалар олиб ташланади. 8-10 см. узунликдаги майда, калта, нимжон новдалар кесилмайди. Танасининг бўйи 40–50 см. бўлганда косасимон шакл берилади.

Ҳаво ҳарорати +5 даражадан юқори бўлганда, монилиоз, клястероспориоз, гоммоз ва барг бужмалоклигига қарши ишлов берилса, касалланиш 60 фоизга қисқаради. Энг кўп сувни янги боғ барпо этилган даврида талаб этади. Бир йиллик кўчатларни ҳафтада бир маротаба, ёз фаслида ҳафтада икки маротаба суғориш тавсия этилади. Бўз тупроқда ўсув даври мобайнида 4-6 марта, шағалли ерда 10-12 марта суғорилади.



Чақириққача бошланғич тайёргарлик ўқитувчиси штати МУДОФАА ВАЗИРЛИГИга ўтади.



Ўзбекистонда 2030 йилга келиб УРБАНИЗАЦИЯ ДАРАЖАСИ 60 фоизга оширилади.



Ўзбекистон АВТОМОБИЛЬ БОЗОРИда октябрь ойидаги сотувлар ўтган ойга қараганда 7 фоизга пасайди.

ТАҲЛИЛ

“Интилганга қанот, кўмакка муҳтожга мадад бўляпмиз”

Муборак туманидаги 23 минг 654 нафар йигит-қизнинг “баланси”ни шакллантириш орқали уларни касб-ҳунар ва чет тилларига ўргатиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган тизимли ишлар белгилаб олинди.



Зиёдулла НАСИМОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Муборак тумани бўлими бошлиғи.

“Оғир” тоифадаги ёшлар билан ишлашда давлат идораларининг 25 нафар раҳбарига алоҳида шуғулланиш талаб этиладиган 208 нафар ёш бириктирилди. Улар билан ўтказилган мулоқотларда 132 нафарида муаммо аниқланди ва 60 нафарига турли ижтимоий-иқтисодий кўмак кўрсатилди. Худди шундай, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига 9 минг 876 нафар ёш оталиққа берилди. Уларнинг 1 минг 305 нафарининг муаммоси аниқланиб, шундан 318 нафарининг масаласи ижобий ҳал этилди.

“Ёшлар дафтари”га жами 485 нафар ёш киритилган бўлиб, шундан 233 нафарига 841 миллион сўм миқдорида кўмак кўрсатилди. Жумладан, 6 нафар ёш бўш иш ўринларига жойлаштирилди, 11 нафарига меҳнат қуроллари олиб берилди, 86 нафарининг тўлов-шартномаси қопланди, 39 нафарининг замонавий касбларга ўқитиш харажатлари тўланди, 15 нафарига тиббий хизмат учун ёрдам пули ажратилди, 6 нафарига ҳайдовчилик гувоҳномаси харажатлари тўлаб берилди. Шунингдек, 305 нафар ёшга ер ажратилди ва 68 нафарига бошқа йўналишларда ёрдам кўрсатилди.

“Ёшлар бандлиги дастури” ижроси бўйича 201 нафар ишсиз ёшнинг “фуқаробай” бандлигини таъминлаш борасида зарур чоралар кўрилди. Меҳнат бозорига кириб келиши кутилаётган 846 нафар ёшни келгусида турли йўналишлар бўйича ишли қилиш белгилаб олинди. Хусусан, доимий иш ўринларига 93 нафар, субсидия ажратиш орқали 64 нафар, ўзини ўзини банд қилишга 383 нафар, меҳнат миграциясига 69 нафар, ер ажратишга 33 нафар, имтиёзли кредит бериш бўйича 38 нафар ёшга амалий кўмак бериш режалаштирилди.



Топшириққа мувофиқ, “миграция баланси” 3 та йўналишда, хусусан, хорижда ишлаш истагини билдирган, чет давлатда бўлиб турган ва миграциядан қайтган фуқаролар билан мулоқот қилиш орқали шакллантирилди. Ҳозиргача 94 минг 701 нафар аҳоли орасидан 2 минг 380 нафари билан суҳбатлашилди. Хатлов натижасига кўра, миграцияга кетиш истагини билдирганлар 35 нафарни, миграциядагилар 578 нафарни, хориждан қайтиб келганлар 79 нафарни ташкил этади.

Қашқадарё вилояти ҳокими тасдиқлаган жадвалга асосан, 6 минг гектар ер майдони 7 минг 584 нафар ёшга ажратилиши режалаштирилган. Ушбу топшириққа мувофиқ, “маҳалла еттилиги” тавсияси билан 400 нафар деҳқончилик қилиш истагидаги ёшнинг дастлабки электрон рўйхати шакллантирилди ва 400 гектар ер майдони электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилди. Ҳозиргача 300 нафар йигит-қиз 305 гектар ер майдонини аукцион орқали олишга эришди.

Бугун ёшларни қўллаб-қувватлаш учун қатор имкониятлар тақдим этилган. Йигит-қизларнинг ижтимоий муаммоларини аниқлаб, уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги қизиқишларини ўрганиб, салоҳиятини камол топтиришга интиляпмиз. Хонадонма-хонадон хатлов ўтказиб, ёшлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйдик. Шу орқали ёшлар турмуш даражасини оширишда бажарилиши лозим бўлган зарур чора-тадбирларни яна бир бор мустаҳкамладик.



МАНЗАРА

“Ёшлар билан ишлаш менга завқ бағишлайди”

Маҳалламиз ёшларининг аксарияти миграцияда ёки мавсумий ишлардан даромад топади. Ҳудуднинг асосий “драйвери” — чорвачилик ва деҳқончилик. Шу боис ишсиз ёшларга 15-20 сотихдан 30 йиллик ижара асосида ер бўлиб берилди. Ер ажратиб, унга ишлов беришда малакали деҳқон мутахассислар керакли тавсияларни беряпти.

Ойбек МАДРАҲИМОВ, Боғот туманидаги “Ғалаба” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Олий таълим муассасасига кира олмаган бир йигит оиласи билан деҳқончиликни йўлга қўймоқчи эканини билдирди. Барча қатори ўсмирга ер ажратиб, унга ишлов бериб, экинни қандай етиштириш бўйича маслаҳат бердик. У тавсиямизга амал қилиб, биринчи мавсумда шоли экди. Май ойида ҳосил йиғиб олингач, иккинчи мавсум учун тўқсонбосди экин экди. Эрта баҳордан терим бошланади. Айтишича, ҳар мавсумнинг ўзида 20 миллион сўмдан ошиқ фойда қилиб, оила бюджетини кўпайтирмоқда.

Миграциядан қайтган 17 нафар ёш билан манзилли шуғулланиб келяпман. Ҳар ойда бир марта улар билан суҳбатлашаман. Ҳозиргача муаммоларини ўрганиб, икки нафар ёшни доимий ишга жалб қилганмиз. Қолганларини тадбиркорликка қизиқтириб, ўз бизнесини бошлашга ундаяпмиз. Ўтган йили бир ёш йигит хорижга кетиб, кунлик ишларни бажараётгани, орада патент масаласи муаммо бўлиб, пулини ололмаётгани-дан хабар топдик. Унинг кетиш сабабини суриштирсам, онаси бетоб экан. Дори-дармонга етарли пул бўлмагани боис четга таваккал қилиб кетишга мажбур бўлган. У билан суҳбатда ёшлигида ота-онаси асаларичилик билан шуғулланган, унинг ҳам бу борада анча уқуви борлигини аниқладим. Дарҳол хориждан қайтариб, унга 20 қути асалари олиб бердик. Ҳозир ҳар бир қутидан 1,5 миллион сўмдан фойда қилади. Бир мавсумда агар гул яхши бўлса, 3-4 мартагача даромад топиши мумкин. Бу ишда қўл меҳнати кўпроқ керак бўлгани учун ёнида бир нечта ёшларни ишга жалб қилган.

Кам таъминланган, эҳтиёжманд ёшларнинг шароитини ўрганиб, уларга моддий кўмак кўрсатишда давом этяпмиз. Яқинда бир нафар ёшнинг уйини таъмирдан чиқариб бердик. Яна бир оғир тоифадаги ёшимиз олий таълим муассасасини тугатиб, иш топа олмай, хорижга кетган эди. Уни чақириб, “Ёшлар дафтари”га киритдик. Сўнг 1-сон касб-ҳунар мактабига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мутахассиси сифатида ишга ёлладик. Ишга жойлашгач, оила қурди. Ҳозир бахтли ёш оилалардан бири.

Маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш — ёшлар етакчисидан кутиладиган асосий вазифалардан саналади. Шу мақсадда йигитларни спортга жалб этиб, турли мусобақаларда иштирок этишини қўллаб-қувватлаяпмиз. Яқинда спортнинг турли йўналишларида Хоразм вилояти кубоги ташкил этилди. Серғайрат йигитларимиз туманлараро ўтказилган мусобақада 531 та маҳалла ичида баскетбол бўйича 3-ўринни олди. Дзюдо бўйича Республика терма жамоасида қатнашаётган ёшлар бор. Муҳаммаджон Машарипов яқинда Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.



Ёш йигит-қизларимиз илм-фан борасида ҳам ўзини кўрсатиб, жамият ривожига ҳисса қўшмоқда. Жумладан, 21 ёшли Фарангиз Жабборберганова талабалар ўртасида ўтказилган “Улуғбек ворислари” танловида асаларидан даво сифатида ишлатишнинг янгича усулини ўйлаб топиб, 1-ўринни эгаллади. Унинг ғояси жамият учун манфаатли деб топилиб, лойиҳани молиялаштириш бўйича грант ажратилди. Бу каби ёшлардан фақат ифтихор ҳиссини туяман. Улар билан ишлаш менга ўзгача завқ бағишлайди. Ютуқларига гувоҳ бўлганим сари қандай соҳада бўлмасин, ёрдам керак бўлса, қўллаб-қувватлашга шай тураман.

Таклифим, ёшлар талабларига биноан, маҳалламизда замонавий касбга ўргатиш курсларини ташкил этиш керак. Таълим бериш учун мутахассислар жалб қилинса, янги бизнес ғояларини ўйлаётган ёшларимизга ҳам ишончини оширишга, ҳам тўғри қадам ташлаб, илғор режаларини олға суришга ёрдам берардик.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Ботир ФОЗИЛОВ. Чуст тумани:

— Аввалари уйимизга байроқ илишни жуда истардим. Бироқ бунга имкон йўқ эди, қолаверса, ҳеч кимнинг хонадонида байроқ илинганини кўрмаганман. Бу жуда ноодатий ҳол сифатида қабул қилинарди. Айтингчи, ҳозир вазият ўзгардими? Байроғимизни ўз уйимизга ўрнатишимиз мумкинми?

“БАЙРОҒИМИЗНИ УЙИМИЗГА ЎРНАТА ОЛАМАНМИ?”



Баҳодир КАРИМОВ, ҳуқуқшунос:

— Тўғри, аввалари давлат байроғини турли жойларда, хусусан, ишхонада, уйда, жамоат жойида ўрнатиш ўринлими ёки йўқми, деган иккиланишлар кўпчиликнинг дилида яширин ийманиш ҳиссини уйғотарди. Бироқ эндиликда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан, давлат байроғидан фойдаланилиши мумкин бўлган ҳолатлар кенгайтирилди.

Хусусан, байроқ ва унинг тасвири туширилган белгиларни жамоат жойларида, биноларда, яшаш ёки иш жойларида, транспорт салонида ўрнатишимиз мумкин. Спорт мусобақалари, оммавий, тантанали ва маданий тадбирларда, оилавий байрамларда, хотира саналарни нишонлашда, жамият ва давлат арбоблари ҳамда ҳарбий хизматчилар дафн маросимларида фойдалана оламиз.

Қонун билан байроққа нисбатан ҳурматсизлик қилиш ҳолатлари аниқ белгиланди. Хусусан, байроқдан ва унинг тасвири туширилган белгилардан йиртилган, ифлосланган, тешилган, ранги оқарган ҳолда ва бошқа номақбул тарзда фойдаланиш мумкин эмас. Бирор-бир нарса учун устки ёпинғич, столларга, ўриндиқларга, стулларга тўшаш ёки тасвирлаш, ундан қоплама сифатида фойдаланиш, ўтириладиган бошқа жойларга ёки оёқ остига тўшаш ёки тасвирлаш тақиқланади.

Кийим-кечак, дастрўмол ёки кўрпа-тўшак сифатида, буюмларни сақлаш ва ташиш учун фойдаланиш, байроқ тасвири туширилган белгиларни пойабзал, дастрўмол, кўрпа-тўшак, ички кийим-кечакка, сочиқларга, қутиларга (ўровларга), бир марта фойдаланиш ва ташлаб юбориш учун мўлжалланган буюмларга босиб чиқариш ёки унинг тасвирини бошқача тарзда тушириш мумкин эмас.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Интизомий жазоси бор ходимга устама тўланадими?

Муҳаббат ОТАЖОНОВА. Узун тумани:

— Мен маҳалладаги тиббиёт муассасасида фаолият юритаман. Тиббиёт ходимларини рағбатлантириш тўғрисидаги низомда ойлик устамалар кўрсатилган. Саволим шуки, интизомий жазоси бор ходимга KPI бўйича устама берса бўладими?

Абдуғаффор ШАРИПОВ, Узун тумани адлия бўлими бошлиғи:

— Жуда кўпчиликдан шу каби саволлар келиб тушади. Бу ҳолатда Меҳнат кодексининг 299-моддаси 5-қисмига эътибор беринг! Унга кўра, интизомий жазонинг амал қилиш муддати ичида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига кирмайдиган ва меҳнат натижаларига асосланмаган мукофотлар (байрамлар, шу жумладан, касб байрамлари, юбилейлар муносабати билан) қўлланилмайди.

Эътибор беринг, бу ерда гап рағбатлантириш чоралари, жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига кирмайдиган ва меҳнат натижаларига асосланмаган мукофотлар ҳақида гап кетмоқда. Улар билан меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофотларни чалкаштирманг!

Энди кодекснинг 299-моддаси 4-қисмига эътибор беринг! Унга кўра, иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турлари жумласига кирмайди. Интизомий жазонинг амал қилиш муддати ичида интизомий жавобгарликка тортилган ходимларга уларни тўлаш масаласи мукофотлаш ҳақидаги тегишли низомларда ҳал қилинади.

Сиз саволда сўраган KPI бўйича устама рағбатлантириш турлари жумласига кирмайди ҳамда интизомий жазоси бор ходимларга ҳам тақдим қилинади. Лекин ташкилотнинг мукофотлаш ҳақидаги тегишли низомларида интизомий жазонинг амал қилиш муддати ичида ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофотларни тўламаслик назарда тутилиши мумкин.

Демак, бундан хулоса қиламизки, агар ташкилотнинг мукофотлаш ҳақидаги тегишли низомларида алоҳида қоида белгиланмаган бўлса, интизомий жавобгарликка тортилган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофотлар тўланади.



Ўзбекистон ва Озарбайжон: таълим соҳасида ҳамкорлик бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” имзоланди.



Хусусий секторнинг “яшил” иқтисодиётга ўтишини қўллаб-қувватлаш учун Германия 3 МИЛЛИОН ЕВРО ГРАНТ ажратади.



Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази Қуръони Каримнинг “Анворул-Қуръон: “Файзул-Фурқон” номли ЕТТИНЧИ ТАРЖИМАСИни чоп этди.

“ЯШИЛ МАКОН”

“МАҲАЛЛА БОҒИ” ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Тупроққалъа туманидаги “Саяпир” маҳалласида “еттилик” аъзолари, йиғин фаоллари, жамоатчилиги ташаббуси билан “Маҳалла боғи” ташкил этилиб, кўчат экиш акцияси ўтказилди.

Унда корхона-ташкилот раҳбарлари, “маҳалла еттилиги”, нуронийлар ва кенг жамоатчилик фаол иштирок этиб, биринчи куннинг ўзида 350 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Атрофни яшиллик билан ўраш ташаббуси **Урганч шаҳридаги “Исломобод” маҳалласи**да давом этди. Асосан, хизмат кўрсатиш йўналишига ихтисослашган ушбу йиғинда ҳам “Маҳалла боғи” ташкил этилиб, 300 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Сиз ҳам фарзандлар келажаги учун ниҳол қаданг, азиз юртдошим!

Латофат ЮСУПОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Бобур АБРАҲМАТОВ.
Қашқадарё вилояти:

– Юридик шахс ташкил қилмасдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолиятни амалга ошириш мумкинми?

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР БЎЛИШ МУМКИН?

Музаффар НАЗАРОВ,
Солиқ қўмитаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

– Албатта. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун икки усулдан бирини танлашингиз керак. Биринчиси, Давлат хизматлари марказига мурожаат қиласиз, иккинчиси, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун масофадан туриб, **new.birdarcha.uz** сайти орқали ариза берасиз.

Агар шахсан келиб ариза берсангиз, БҲМнинг 1 баравари миқдорида (375 000 сўм) давлат божини тўлайсиз. Интернет орқали ариза берилганда тўлов БҲМнинг 0,9 баравари (337 500 сўм)ни ташкил этади. Шундан сўнг, якка тартибдаги тадбиркорга рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома берилади.

Товар (хизмат)лар реализацияси 100 млн. сўмдан ошмаган ЯТТлар давлат рўйхатидан ўтказилаётганда даромад солиғини тўлашнинг қуйидаги режимларидан бирини танлаш ҳуқуқига эга:

– жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларация асосида;

– қатъий белгиланган миқдорда.

Қатъий белгиланган миқдорлардаги даромад солиғи давлат рўйхатидан ўтган ойдан кейин ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмай тўланади.

ЯТТнинг товар (хизмат)лар реализациясидан олинган даромади календарь йилида 100 млн. сўмдан ошса, айланмадан олинадиган солиқ (ҚҚС) тўлашга, 1 млрд. сўмдан ошса, ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

ЯТТ ижтимоий солиқ ҳам тўлайди:

– ўзи учун ойига камида БҲМнинг 1 баравари – 375 000 сўм;

– савдо мажмуалари ва бозорларда фаолият юритувчи ЯТТларнинг ёлланма ходимлари учун ойига БҲМнинг 0,5 баравари – 187 500 сўм;

– фаолиятнинг бошқа соҳаларида ёлланма ходим учун йилига БҲМнинг 1 баравари – 375 000 сўм.

Шуни билингки, ЯТТлар 5 нафаргача ходим ёллаш ҳуқуқига эга.

ТАҲЛИЛ

Маблағлар мақсадли ва манзилли сарфланяпти

Феруз ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Нарпай тумани бўлими бошлиғи.

Президентнинг “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон маҳалалари уюшмаси фаолиятини йўлга қуйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолияти йўлга қуйилиб, бугунги кунда энг қуйи тизимда, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган барча ижтимоий ва иқтисодий ислоҳатларда фаол иштирок этиб келмоқда. Шу билан бирга, аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этишда, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашда тегишли масъул ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари ҳамда депутатлар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Бир нарсани тан олиб айтиш керакки, юқоридаги ҳужжатлар қабул қилингунга қадар маҳалланинг ўзида муаммоли масалаларни ҳал этиш учун ҳеч қандай иқтисодий имконият бўлмаган. Фақат ҳомийлар ёки юқори ташкилотлардан ёрдам олиш учун анча вақт кутишга тўғри келган. Фуқароларнинг тизимли муаммоларини тезкорлик билан ечишга шароит йўқ эди.



Қабул қилинган ушбу қарор билан “Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган бўлиб, ушбу Низом асосида Жамғарма маблағлари шакллантирилади ва белгиланган тартибга асосан, муаммоли масалаларни ечиш учун ишлатилади.

Кўпчиликнинг хабари бор, ушбу жамғармани асосий қисми жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизидан шаклланади. Бундан ташқари, қарор билан бир қатор манбалар ҳам белгилаб қўйилган. Жорий йил январь-октябрь ойларида Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига жами 2 млрд. 891,3 млн. сўм маблағ келиб тушган бўлиб, шундан 2 млрд. 476,3 млн. сўми йиғилган солиқларнинг 10 фоизи ҳисобига тўғри келган. 11 та маҳалла учун 415 млн. сўм туман ҳокимлиги маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисмидан қўшимча ажратилди.



Ушбу маблағлардан самарали ва тизимли фойдаланиш мақсадида жойлардаги сайёр қабуллар, учрашувларда фуқаролар ва “маҳалла еттилиги”нинг мурожаатлари асосида ҳозирги кунга қадар 1 млрд. 753,6 млн. сўм маблағ хайрли ишларга сарфланди. Жумладан, 2 та маҳалланинг қурилиш ишларига 131,1 млн. сўм ажратилган. *(Маълумот учун, 3-сектор ҳудудидаги “Тинчлик” маҳалласига янгидан бино қурилмоқда ва 1-сектор ҳудудидаги “Дўстлик” маҳалласига кутубхона қуриш ишлари бугунги кунда жамғарма маблағлари ҳамда ҳомийлик-ҳашар йўллари билан қуриб битказилмоқда).* Маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 41 та маҳаллага 287 млн. сўмлик замонавий моноблок компьютерлар, шунингдек, 51 та маҳаллага 188,7 млн. сўмлик принтер аппаратлари олинди. 44 та маҳалла биносини муқобил энергияга мослаштирилган иситиш тизими билан таъминлаш учун 385,5 млн. сўм сарфланди. 22 та маҳаллада электр таъминотини яхшилаш мақсадида 410 дона бетон устун учун 438,3 млн. сўм ажратилди. Оқтош шаҳри марказидаги 6 та маҳаллага, яъни “Турон”, “Тоткент”, “Тепақўрғон”, “Манғит”, “Нарпай”, “Равот олчин” маҳаллаларига 177 млн. сўмга 6 дона трансформатор қўйилди.

Бундан ташқари, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳушёрликни ошириш мақсадида 68 млн. сўмга “Гулистон” ва “Исломобод” маҳаллаларидаги барча кўп қаватли уйлар атрофи видеокузатув камералари билан жиҳозланди. Шунингдек, “Ўзбеккенти” маҳалласи биносига ҳамда “Бахт”, “Равот олчин”, “Янгиобод”, “Дедан” маҳаллаларидаги эҳтиёжманд оилалар хонадонларининг том қисмини ёпиши учун 250 дона шифер ва ёғоч устунлар олинди.

Қолган 1,1 млрд. сўм жамғарма маблағлари халқимизнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб, “маҳалла еттилиги” хулосаси асосида маҳалланинг инфратузилмасидаги муаммоларни ҳал этиш учун тегишли тартибда сарфланади. Хусусан, “Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга ва маҳалла боғлари учун ўрмон хўжаликлари билан тўғридан-тўғри шартнома асосида мевали ва манзарали кўчатлар харид қилинади. Шунингдек, 1 декабрга қадар ҳар бири ўртача 32 млн. сўмлик 14 дона трансформатор, 8 та маҳаллага 150 дона бетон устун олиш режалаштирилган.

Албатта, бу янги тизим, яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда халқимиз учун қулай шароит яратиш, одамларнинг розилигига эришиш йўлида бор куч ва имкониятларимизни ишга соламиз.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Тадбиркорга таянч бўлсак, тушумлар ҳам ортади

Илгари ўнта маҳалла билан ишлардим. Бу, ўз навбатида, иш фаолиятимга ортиқча юклама бўлиб, маҳаллаларга чуқур кириб боролмасдим, солиқ тўловчилар билан алоҳида ишлашга вақт етмасди. Қолаверса, жисмоний имкониятим ҳам бунга имкон бермасди.

Мирсалим РАҲМОНОВ,
Тойлоқ туманидаги “Украч” ва “Бунёдкор” маҳаллалари солиқ инспектори.



“Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида хонадонма-хонадон юриб, ҳар бир фуқарога солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда солиқ ислоҳотларини тушунтириб бордим. Яширмайман, дастлабки фаолиятимда аҳолининг солиққа доир билим ва тушунчалари анча паст эди. Бугун “маҳаллабай” ишлашимиз натижасида солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданияти, фаоллиги ошди.

Тадбиркорликка қизиқувчи ёки тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаётган, ҳуқуқий ва иқтисодий қийинчиликларга дуч келаётган тадбиркорлик субъектлари билан манзилли ишладик. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, иқтисодий жиноятнинг салбий оқибатларини тушунтириб боряпмиз. Натижада тадбиркорлик билан қонуний шуғулланиб, ўзи ва оиласини даромадли қилаётганлар сони кўпаймоқда.

Бугунги кунда “Украч” ва “Бунёдкор” маҳаллаларида 61 та юридик шахс, 103 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда. Йигирмага яқин деҳқон хўжалиги ташкил этилди.

Ҳар икки маҳаллада томорқачиликнинг ҳадисини олган миришкор деҳқонлар кўп. “Украч” маҳалласидан Муродилла Ғиёсов ана шундай тажрибали томорқачилардан. У 4,5 сотих томорқасида йилига уч марта экин экиб, яхшигина даромад олмоқда. Шунингдек, лимончилик, кўкатчилик, иссиқхоначилик билан шуғулланаётган фуқаролар анчагина. Бундан ташқари, тадбиркорлик, савдо-сотиқ, мебелчилик, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кўплаб оилавий тадбиркорлар бор.

Бугун барча соҳалар қатори солиқ соҳасига ҳам рақамли технологиялар кенг татбиқ этилмоқда. Натижада солиқ тизимида кўрсатиладиган давлат хизматларининг деярли барчаси электрон шаклга ўтказилиб, тизимда бюрократия ва фуқароларни сарсон қилиш ҳолатлари тўлиқ барҳам топди. Аввалари фуқаролар 10 километр йўл босиб, солиқ идораларига қатнашган бўлса, энди уларнинг хонадонига боряпмиз. Биз нафақат ҳудуднинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтириш йўлларини излаяпмиз, балки тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам тарзда фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ходимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклигини тушунтиряпмиз. Зарур ҳолларда тадбиркорларга бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботларини топширишга кўмаклашяпмиз.

Қувонарлиси, 1 800 нафар ишсиз фуқаро ўзини ўзи банд қилиш орқали расмий рўйхатдан ўтиб, чорва моллари боқиш, деҳқончилик, сартарошлик, гўзаллик салони, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш каби йўналишларда меҳнат қилиб, даромад топяпти. Уларнинг 30 нафардан ортиғи кичик бизнес тоифасига ўтди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги солиқ инспекторлари “маҳалла еттилиги”нинг иқтисодий таянчига айланмоқда.



2025 йилдан бошлаб Ўзбекистонда қуёш панеллари, инверторлар ва аккумуляторларни олиб киришга ЯНГИ ТАҚИҚ жорий этилади.



Зўравонликдан жабрланган болаларга ҳимоя ордери бериш тартиби йўлга қўйилмоқда



Самарқанддаги ШЕРДОР МАДРАСАСИнинг фасади АҚШ кўмагида қайта тикланади.

ЖАРАЁН

Ижтимоий фаоллик ва дахлдорлик ҳисси одамлар ҳаётини ўзгартиради

183 минг 715 нафар аҳолиси ва 50 минг 452 та оиласи бор Қўшкўпир тумани Туркманистон Республикаси билан чегарадош. Маҳаллалар бўйлаб юрар экансиз, қад кўтарган баланд ва гўзал бинолар, ишлаб чиқариш корхонаси, хизмат кўрсатиш шохобчалари, ўқув марказлари ва савдо мажмуаларини кўриб, кўзингиз қувнайди.



Бобуржон ҒАФУРОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қўшкўпир тумани бўлими бошлиғи.

Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли тумандаги 50 та маҳалла тинчлик ва аҳиллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик маконига айланган. Маҳаллаларда барча соҳа ва йўналишлар бўйича “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилган.

Бунинг тасдиғини маҳаллаларда тадбиркорлик ривожланиб, янги иш ўринлари, доимий даромад манбалари яратилаётгани, ижтимоий-маънавий муҳит мустаҳкамланиб, жиноятчилик камайиб бораётгани мисолида кўриш мумкин.

Биргина аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилига қарайдиган бўлсак, 4 907 нафар ишсиз фуқаронинг 918 нафарига кредитлар ажратилди. 294 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди. 218 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлаган бўлса, 94 нафари касб-ҳунарга ўқитилди. 85 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. 124 нафари жамоатчилик асосида ишга жойлаштирилди. Деҳқончилик қилиш истагида бўлган 1 353 нафар ёшга 351 гектар ер майдони ажратилди.

Маҳаллаларни обод қилиш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишлар туман қиёфасини тубдан ўзгартириб, халқимиз турмуш даражаси ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Биргина “Полвон” маҳалласида “Обод маҳалла” дастури доирасида 1 млрд. 120 млн. сўм маблағ ажратилиб, кенг



кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Битта мактаб, боғча ва тиббиёт маскани таъмирланди. Электр энергияси, ичимлик сув, табиий газ ва иссиқлик таъминоти, йўл ва транспорт тизимлари фаолияти яхшиланди. 1,5 км. ички йўллар асфальтланиб, 9 км. тупроқ йўл шағаллаштирилди. 1 км. пиёдалар йўлаги барпо этилмоқда.

Тумандаги 50 та маҳаллада ҳашар ишлари доирасида 470 та кўча, 64 та қабристон ва 3 та зиёратгоҳ ободонлаштирилди. Қолаверса, 3 755 дан зиёд хонадонда “Обод хонадон” мезонлари асосида тозалаш ишлари олиб борилиб, тартибга келтирилди.

Энг муҳими, юртдошларимизнинг ижтимоий фаоллиги, ўз маҳалласи, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик ҳисси ортмоқда. Бу борада “Ташаббусли бюджет” дастури жорий этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу дастур доирасида илгари сурилаётган таклифлар асосида аҳоли ҳаётига тааллуқли кўпгина долзарб масалалар ўз вақтида ва самарали ҳал этиляпти. Хусусан, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида тумандаги 4 та маҳалладаги кўчаларга асфальт ётқизилди, 19 та маҳаллада 280 та эски



симёғочлар бетон устунларга алмаштирилиб, замонавий ёритгичлар ўрнатилди, 38 та маҳаллада йўл бўйларида яшил майдон боғлари ташкил этилди.

Шунингдек, ҳар бир маҳалла фуқароларининг ўзи истиқомат қилаётган масканга нисбатан эътибори ва ҳурмати, дунёқараши ўзгарди.

Маҳалла жамиятимизнинг энг муҳим бўғини сифатида ҳар биримизнинг ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади. Бу борада маҳаллада тузилган “Нуронийлар” кенгаши, “Бувижонлар мактаби” ҳамда “Қайноналар кенгаши” каби тузилмаларнинг ўз ўрни бор.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

“Кечаю кундуз бердақликлар билан биргаман”

“Бердақ” маҳалласи туман марказида жойлашган. Шундай бўлса-да, аҳолининг аксарияти чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланади. Бу ерда ишсиз, бекорчи одамни учратмайсиз, ҳамма ўз юмушлари билан банд. Шу боис ўн бир ойдирки, маҳалла жиноятдан холи ҳудуд – “яшил” тоифада.

Давлетбай ТАТЕНОВ, Қўнғирот туманидаги “Бердақ” маҳалласи профилактика инспектори.

Албатта, бунга осонлик билан эришилгани йўқ. Аввало, жиноятчиликни “маҳаллабай” жиловлаб, аҳолининг кунлик ижтимоий-маиший муаммоларини “хонадонбай” ва “фуқаробай” ҳал этдик. Ҳар бир оила аъзолари билан мулоқотда бўлиб, шахсий телефон рақамимни бердим. Фуқаролар билан кечаю кундуз, 24 соат алоқада бўлиб, мурожаатларига тезкор жавоб бердим, зарур ҳолатларда воқеа жойига етиб бордим.

Низоли оилаларни яраштириш ва муҳитини яхшилаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирдик. Керак бўлганда, оила бекасига ҳимоя ордери берилди. Бугун улар тинч, хотиржамликда яшамоқда. Ҳар ҳафта муқаддам судланганлар билан тушунтириш ишлари олиб бораман. Пробация хизматида рўйхатда турган 3 нафар фуқаронинг икки нафари синов муддатини ўтаб, тўғри йўлга қайтди.

Мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбияси, дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишга жиддий эътибор қаратяпмиз. Бу борада 40-42-умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, жиноятнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтиряпмиз. Шунингдек, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шавқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган семинар-тренинглар ўтказяпмиз.

Ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Айни пайтда воркаут майдончаси ёшлар билан гавжум. Ҳозир футбол, волейбол, баскетбол ўйин майдонларидан иборат алоҳида спорт мажмуаси қурилмоқда. Бу ҳам ёшлар учун ўзига хос совға бўлади.

Иш самарадорлигимнинг



яхшиланишида барча зарур шароитларга эга хизмат уйимнинг хизмати катта. Бу ерда яшаб, кечаю кундуз бердақликлар билан биргаман. Бу, ўз навбатида, ҳар бир хонадон билан самарали ишлаш, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар оқибати билан эмас, балки унинг олдини олиш билан курашиши шарт, деган тамойил асосида кечаю кундуз маҳалла тинчлигини таъминлаш йўлидаман. Тунги вақтларда “Фидокор ёшлар” жамоатчилик гуруҳи аъзолари ва муддатли ҳарбий хизматга кетувчи ёшлар билан биргаликда кузатув назорат тадбирларини олиб боряпмиз.

Йиғин ҳудудидаги таълим муассасалари серқатнов автомобиль йўл бўйида жойлашгани учун пиёдалар ўтиш жойига тезликни чекловчи йўл белгиси ҳамда махсус тўсинлар ўрнатиш ташаббусини кўтаряпмиз. Келгусида кечқурунлари спорт машғулотларидан қайтаётган ўқувчиларга нур қайтарувчи либослар кийишни йўлга қўймоқчимиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Жобир АЛИХОНОВ. Бухоро вилояти:

– Тадбиркорлик қилиш учун аукциондан ер сотиб олган эдим. Лекин мен сотиб олган ер майдони бошқага тегишли эканлиги аниқланди. Энди нима қилишни билмаяпман, менга етказилган зарарни ким тўлайди?

“МЕНГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?”

Ҳабиб САИДОВ, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро суди судьяси:

– Охирги пайтларда бундай тоифадаги низолар кўпайиб қолган. Ер участкаларини аукцион орқали ажратилиши билан боғлиқ низолар фуқаролик, қолаверса, маъмурий судларда кўриб чиқилмоқда. Бизга мурожаат қилган фуқаронинг аукцион орқали олинган ер майдонининг бошқа фуқарога бериб юборилиши масаласи бўйича эса ер участкасининг ажратилиши билан боғлиқ ҳужжатларни ҳақиқий эмас, деб топиш бўйича фуқаролик судларга, тегишлилиги бўйича маъмурий судларга мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжуд.

ТАШАББУС

“Янгиариқ туманида бир кун”

Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Янгиариқ туманида бир кун” шиори остида навбатдаги маданий-маърифий тадбирларни ўтказди. Бунинг учун Янгиариқ тумани марказидан анча олисда жойлашган “Жалоил” маҳалласи танлаб олинди.

Зокир ИСМОИЛОВ, Хоразм вилоят ИИБ Ахборот хизмати раҳбари.

Бугунги кунда “Жалоил” маҳалласида 590 та хонадонда 3 244 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ташкиллаштирилган тадбир “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз” шиори остидаги юриш марафони билан бошланди.

Вилоят ИИБ бошлиғи Равшан Султонхўжаев, туман сектор раҳбарлари ва мутасаддилари “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида қилинаётган ишларни Отаназар Олимов хонадони мисолида танишиб, зарур кўрсатма ва амалий ёрдам беришди.

Маҳаллада битта умумтаълим мактаби ва 3 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Тадбир давомида уларнинг иш жараёни билан яқиндан танишилиб, умумтаълим мактабининг атрофини ободонлаштириш мақсадида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида 200 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири, бу – куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни беталофат ўтказишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда ижтимоий лойиҳа доирасида маҳалла аҳолисини суюлтирилган газ, кўмир ёқилғиси ва электр энергия билан узлуксиз таъминлаш мақсадида бир қанча манзилли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, маҳалладаги камбағал оилаларга маълум миқдорда суюлтирилган газ ва кўмир ёқилғиси етказиб берилди. Туман электр таъминоти корхонаси ходимлари аҳоли хонадонларига электр энергиясини белгиланган кучланишда етказиш ишларини бажаришди. Тупроқ қатламли ички йўлларнинг бир қисмига асфальт, бир қисмига қум-шағал аралашмаси ётқизиш ишлари амалга оширилди.

Бугун маҳаллаларни хавфсиз ва жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш борасида манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу боис тадбир давомида Миллий гвардия қўриқлаш хизмати ходимлари ўғрилик ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида фуқароларга хонадонларига ўрнатиладиган замонавий қўриқлов воситаларининг турлари, уларнинг вазифа ва афзалликлари ҳақида маълумот берди. Баҳодир Отабоев хонадонига ана шундай қурилма ўрнатилиб, қўриқлаш хизмати марказига улаб берилди.

Ёшларда ҳарбий соҳага қизиқиш уйғотиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ички ишлар органларининг махсус техникалари, хизмат итлари ва отлари, шунингдек, ИИБ Хоразм академик лицейи ўқувчиларининг жанговар-кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Маҳалла ёшлари ўртасида волейбол, тўсинда тортилиш ва шахмат бўйича мусобақа ҳамда “Энг яхши китобхон” кўрик-танлови ўтказилди. Шунингдек, ижтимоий реестрда турувчи оилалар вакиллари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича даволаниш учун тавсия ва йўлланмалар берилди.

“Янгиариқ туманида бир кун” шиори остидаги маданий-маърифий тадбирлар Кулолчилик марказида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси билан якунланди. Тадбирларни юқори савияда ўтказишда фаол иштирок этганлар ҳамда мусобақа ва танлов ғолиблари ташкилотчиларнинг диплом, ташаккурнома ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.



Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида биринчи ТЕМИРЙЎЛ САЁҲАТ ДАСТУРИ йўлга қўйилади.



“Ўзбеккосмос” агентлиги “CANSAT” мини сунъий йўлдош синов парвозларини ташкил этди.



Муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш ва уларнинг ягона реестрини шакллантириш ТАРТИБИ ТАСДИҚЛАНДИ.

ҚУЛАЙЛИК

“ҲАМРОҲЛИК ХИЗМАТИ” ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Юртимизда 19 та параспорт тури билан шуғулланишга шароит яратилган. 25 минг нафар ногиронлиги бўлган шахс спорт билан шуғулланиб келмоқда.

Бу борадаги имкониятларни кенгайтириш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Хусусан, давлат спорт мактабларида адаптив спорт бўйича гуруҳлар ташкил этилади, маҳаллалардаги майдончалар ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам мослаштирилади.

“Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш орқали жисмоний реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, 2024 йил 15 декабрдан бошлаб, спорт билан шуғулланиш истагидаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатига кўра, уларга “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари давлат мулкида бўлган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида спорт билан бепул шуғулланиши учун йўлланмалар беради. Йўлланма берилган кундан бошлаб ҳар олти ойда бир маротаба жойига чиққан ҳолда мониторинг қилиб борилади.

Қарор билан 2025 йил якунига қадар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги кўз ва таянч-ҳаракат аъзолари касалликларига чалинган ногиронлиги бўлган шахсларни спорт иншоотларига бориб-келишига ёрдам бериш учун “Ҳамроҳлик хизмати” ташкил этади. Бу хизмат давлат ижтимоий буюртмаси асосида ННТлар ва кўнгиллилар орқали йўлга қўйилади. Ҳудудлардаги “Инсон” марказлари қошида кўнгиллилар гуруҳлари ташкил этилади. Бу хизмат аввал фақат аҳолиси кўп ҳудудларда босқичма-босқич жорий қилинади.

ЖАРАЁН

Экилган ҳар бир дарахт, бу — ҳаёт тимсоли демак

Сайёрамизда экологик вазият бузилишининг олдини олиш, инсонлар саломатлиги, ҳар бир хонадоннинг кўркамлигини оширишга бефарқ бўлмаган ҳолда амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Бухоро туманида кўчат экиш, яшил ҳудудларни барпо этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.



Суннатилло САМАДОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бухоро тумани бўлими бошлиғи.

Ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, 2024 йилнинг баҳор мавсумида 872 минг туп дарахт кўчатлари экилган бўлса, кузги мавсумда 597 минг дона мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазиш режалаштирилган. Бу ишга сектор раҳбарларидан тортиб, ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса вакиллари, “маҳалла еттилиги” ходимлари ва фуқаролар муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Халқимизнинг азалдан фарзандли бўлганда дарахт экишдек гўзал удуми бор. Шу боис дарахт — ҳаёт тимсолига айланган. “Яшил макон” лойиҳаси туманимизда кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига қанот бўляпти. Унинг доирасидаги тадбирларни амалга ошириш тизими ҳам тобора такомиллашиб бормоқда. Хусусан, кўчат етиштириш ва етказиш, иқлим шароитига мос ниҳолларни экиш ва парваришлаш, суғориш масалаларига ҳар қачонгидан кўра катта аҳамият қаратиляпти.

Халқимиз аллақачон маҳалла ва томорқасининг бўш жойларига яхши ният билан ниҳол қадашни бошлаб юборди. Ҳар бир фуқаро ўзи истиқомат қилаётган масканнинг ободлиги, кўркамлиги йўлида фаол иштирокчига айланди. Бу эса, ўз навбатида, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир ёрқин намунаси бўлмоқда.

Тумандаги 249 та кўчага “маҳалла еттилиги” аъзолари бириктирилиб, ҳар бирида “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезони асосида тарғибот ишлари давом эттириляпти.

Бундай саъй-ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад – мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида юртимизни яшил ҳудудга айлантиришдан иборат. Шу билан бирга, халқимизга хос эзгу фазилатларни юксалтириш ҳамда қишлоқ ва шаҳарларни, маҳалла ҳудудларини, йўл четларини янада кўркам манзилга айлантиришдир.

Маҳаллаларда маданият ва маърифат тадбирларини юқори даражада ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузилиб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан тумандаги истеъдодли санъаткорлар, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган нуронийлар иштирокида маданий-маърифий тадбирлар ҳамда концерт дастурлари ўтказиб келинмоқда. Аҳоли мароқли дам олиши учун театр ва музейларга олиб бориляпти.

Маҳаллаларда ташкил этилган жамғарма маблағлари ҳисобидан 36 та маҳалла раисига планшетлар олиб берилиб, уларнинг иш самарадорлиги ошишига эришилди.

2024 йилнинг 10 ойи давомида туман бўлимига келиб тушган мурожаатлар сони 182 тани ташкил этади. Улар таҳлил қилинганда, 130 таси ижтимоий нафақа пули олишни сўраб, 5 таси маҳалла раиси ва ходимларининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб, 47 таси бошқа масалалар бўйича келиб тушган. 75 нафар фуқаро ижобий жавоб олган бўлса, 95 нафарига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Қолганларида ҳали жараён якунига етгани йўқ.

Ҳали олдимизда қилинадиган ишлар жуда кўп. Жумладан, хорижда қийналиб ишлаётган маҳалладошларимизни йил якунига қадар ватанга қайтариш ва уларнинг муаммоларни ҳал этиш, иш билан банд қилиш режалаштирилган.

Маҳаллаларни ишсизликдан, жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш ва 2 та “қизил” ҳудудни “сариқ” тоифага ўтказиш, 15 та “сариқ” маҳаллани яшил тоифага ўтказиш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз.

Камбағал оилаларнинг яшаш шароитини босқичма-босқич яхшилаш учун манзилли чора-тадбирлар олиб бориляпти.

Шарққа хос маданиятни ўзида жамлаган маҳаллаларимиз нуфузини ошириш орқали юрт ривожи учун хизмат қилиш — муқаддас бурчимиздир. Аҳоли дардини енгил қилиш, уларнинг ишончи қозониш билан натижаларимиз янада яхшиланиб бораверади.



ИМКОНИЯТ



МАҚСАД ВА ИНТИЛИШЛАРИ РЎЁБГА ЧИҚДИ

Навоий шаҳридаги “Бинокор” маҳалласида яшовчи Умрзоқ Қуллиев болаликдан 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс. Унинг ҳаётга интилиши, шижоати баланд.

Спортнинг оғир атлетика турига қизиқиши бўлгани боис уни маҳаллага бириктирилган ижтимоий ходим шаҳарда ташкил этилган махсус параспорт тўгарагига йўналтирди ҳамда иштироки учун мавжуд шарт-шароитларни таъминлаб берди.

Умрзоқ параспортнинг ядро улоқтириш турига қатнай бошлади. Машғулотларда ва вилоят мусобақаларида юқори кўрсаткичлар қайд этиб, Республика биринчилигида тажрибали рақиблар орасида 4-ўринни қўлга киритди. Бундан ташқари, У.Қуллиев “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази кўмаги билан Миллий гвардиянинг Навоий вилояти бўйича бошқармасига ишга жойлаштирилди. Оиласи тўлиқ чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, “Саховат ва кўмак” жамғармасидан маблағ ажратилди.

Тақдир синовларини кулиб, кези келганда сабр билан қаршилаётган Умрзоқ сингари фуқаролар бугун талайгина. “Соғлом инсонлар каби ишлаб, орзу мақсадларимга эришаман”, деган ана шундай ёшлар яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланмоқда.

ИЖТИМОИЙ ХОДИМ

“Қанчалик тўғри ёки хато бўлмасин, одамларни тинглайман”

Алишер Қулметов ҳамда Дилфуза Назарова эшитиш ҳамда гапиришда нуқсони борлигидан узоқ йиллар давомида азият чекиб келди. Мутасадди ташкилотларга ёрдам сўраб қилган мурожаатлари жавобсиз қолиб келаётган эди. Ижтимоий ходим сифатида илк ишимни шу оилага ёрдам беришдан бошладим. “Инсон” маркази сурдотаржимони кўмагида ҳар иккиси билан батафсил суҳбатлашдик. Хоҳиш-истакларини ўргандик. Айнан қайси йўналишларда ёрдам кераклигига аниқлик киритилгач, астойдил ҳаракатни бошладик.



Илҳомбой ДАРВИШОВ, Урганч шаҳридаги “Нурли ҳаёт” ва “Маърифат” маҳаллалари ижтимоий ходими.

Аёл меҳнат қилиб, рўзғорга ўз ҳиссасини қўшишни истаётганини билдирди. Суриштирсак, тикувчиликдан хабари бор экан. Аввал кўрпа, кўрпача тикиш билан шуғулланган. Шу йўналишдаги фаолиятини давом эттириши учун хусусий корхонадан иш топиб бердик. У ерда ўзи каби ногиронлиги бўлган бошқа фуқароларнинг ҳам борлиги аёлга анча қулайлик туғдирмоқда.

Шу вақт ичида эҳтиёжманд бу оилага озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиши учун моддий ёрдам кўрсатилди. Бугунги кунда аёл ўзи севган соҳада меҳнат қилиб, 1 миллион 800 минг сўм миқдорида маош олишни бошлади. Иш вақти эрталаб 9:00 дан кеч 17:00 гача. Шанба ва якшанба кунлари дам олади. Оиласи ва ногиронлиги бўлган фарзандларига вақт ажратади. Корхона раҳбари келгусида унинг ойлигини 2 миллион 500



минг сўмгача ошириб беришни ваъда қиляпти.

Турмуш ўртоғига ҳам иш таклиф қилган эдик, буни қабул қилмади. Ёлланма ходим сифатида топаётган даромадидан қониқаётганини билдирди. Кунига 100-150 минг сўм атрофидаги кирим билан рўзғорини тебратмоқда.

Аввал бирор ёрдам сўрашга ийманган бу оила энди сира тортинмай, олдимизга бемалол кўмак сўраб келмоқда. Ҳар ой бориб, ҳолидан хабар олиб турибмиз. Улар ўзини тиклаб олиши учун ҳар жиҳатдан тиргак бўлишга ҳаракат қиляпмиз.

Яна бир ҳолатда эр-хотин иккиси полиартрит касаллиги билан оғриган. Улар ҳақида хабар топиб, хонадонига бордик. Лекин кўнглига йўл топиш осон кечмади. 5-6 марта эшигини қоқишга мажбур бўлдик. Психологларни жалб қилиб, имконият ва имтиёзлар ҳақида маълумот бердик. Эркак юришга қийналаётгани учун уйига яқинроқ жойдан иш кераклигини айтди. Шунда маҳалламизда ташкил этилган “Маҳалла сервис компанияси”да сантехник сифатида иш бошлашига ёрдам бердик. Ҳозир 2 миллион сўм маош оляпти. Ишхонаси билан уйининг ораси атиги 100 метр масофани ташкил этади.

Аёл 2 ёшли фарзанди бўлгани учун уй шароитида даромад топиш истагини билдирди. Унинг мурожаатини ижобий ҳал қилиш мақсадида хусусий тикувчилик цехи билан шартнома туздик. Ҳозир фуқаро уйидан чиқмай, боласини парваришлаб, бўш вақтида ётоқ тўпламлари тикиш билан машғул. 1 миллион 500 минг сўм маошдан ташқари, бажарган юмушига қараб алоҳида ҳақ тўланади. Ҳозирги кунда оилани кам таъминланганлар рўйхатидан чиқардик.

Хонадонларга кирганда, ҳеч қачон ўз фикримни маъқуллаймайман. Қанчалик тўғри ёки хато бўлмасин, одамларни тинглайман. Қобилиятидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга йўналтираман. Янги ғояларни таклиф қилиб, ички иқтидорини уйғотишга уриняпман. Айрим фуқароларни қалбига йўл топиш учун яқин қариндошлари билан мулоқот олиб борамиз. Биргаликда муаммоларига ечим топамиз.



БЕЛБОҒЛИ КУРАШ бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 4 та олтин, 3 та кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритди.



ХОККЕЙ БЎЙИЧА Қозоғистон мунтазам чемпионати доирасида "Ҳумо" (Тошкент) "Бейбарис" (Атирау) клубини 2:1 ҳисобида мағлуб этди.



ШАХМАТ БЎЙИЧА "Tata Steel Chess India" турнирининг рапид йўналишида ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов етакчилик қилмоқда.

ЖАРАЁН

ҚИШЛОҚДА ТАДБИРКОР АЁЛЛАР САФИ КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси масъуллари Бўка туманининг "Жўрабобод" маҳалласидаги Гулистон қишлоғидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан мулоқот қилди. Хонадонларга кириб, муаммолар ечими бўйича масъулларга тегишли топшириқ ва тавсиялар берилди.



Қишлоқдаги аёллар билан хонадон гигиенаси тўғрисида суҳбатлар ўтказилди. Хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш мақсадида хонадонларга кирилиб, индивидуал суҳбатлашиш орқали ишлаш истаги бўлганлар хатловдан ўтказилди. Жараёнда тикувчилик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган 20 нафар аёл Бандлик марказига йўлланма олди.

Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлганларга бугунги кунда мамлакатимизда яратилган имкониятлар, имтиёзлар ҳақида тушунчалар, таклифлар берилди. Хусусан, оилавий уй боғчаси очиш истагини билдирган С.Ҳолиқова хонадонига борилиб, шароити ўрганилди. Давлат-хусусий шериклик асосида уй боғчаси ташкил этиш учун унга тижорат банки имтиёзли кредит ажратиши, кадастр масалалари ҳал этилиши билдирилди.



ТАҲЛИЛ

Боқимандалик чекиняпти, ҳаракат ва интилишга тушганлар кўп...

Хонадонларни айланиб, аҳоли муаммоларини ўрганишнинг ўзи билан ижобий натижага эришиш қийин. Халқ фаровон яшаши учун, аввало, уларнинг саволларига жавобимиз бўлиши даркор. Азият чекаётган қийинчиликларига ечим топиб берсаккина уларнинг ишончини қозонамиз.

Саидахон АБДУСАЛОМОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Избоскан тумани бўлими бошлиғи.

Ҳудудимиздаги 63 та маҳаллада ишни ташкил этишда айнан шу мезонга амал қиляпмиз. Натижа кўзлаганимиздек, ижобий бўляпти. Хусусан, "Жонобод" маҳалласида яшовчи "Аёллар дафтари"га киритилган Муаттархон Тошматова, Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллада истиқомат қиладиган Лобархон Иброҳимова, "Марказ" маҳалласида яшовчи Лолахон Усмоновага субсидия асосида тикув машинаси берилди. Кўрсатилган бу арзимас кўмак сабабли уларнинг яшаш шароити анча яхшиланди. Қизиқиш ва ўзгача иштиёқ билан янги ҳунарнинг нозик сирларини ўрганишяпти.

"Солбоши" маҳалласида истиқомат қилувчи Дилшодбек Эргашевнинг хонадони таъмирталаб ҳолга келиб қолганди. Маҳалла ходимлари ҳамда қўшнилар ташаббуси билан фуқарога ёрдам қўллари узатилди. Тумонат йиғилган одам ҳашар йўли билан уйнинг томини ёпишга киришган. Ёшлар меҳнатда, нуронийлар уларга далда бериб турибди. Тумандаги 212 та шундай хонадонни таъмирлашда халқ бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилди. Муҳтожларнинг мушкули осон бўлди.

"Маҳалла еттилиги"нинг коллегиал қарори асосида 2024 йилда 3 нафар чин етим ва ота-онасидан маҳрум бўлган болаларга Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳисобидан жами 665 миллион сўмлик, ҳар бирига биттадан уй совға қилинди. "Ўртақишлоқ" маҳалласида яшовчи Беҳрузбек Худойбердиев номига расмийлаштириб берилган хонадон калитини қўлига олганидан қувончи чексиз.

Абдураҳмон Жомий номидаги маҳаллада яшовчи фуқаролар — Иқболой Абдулазизовага узумчиликни йўлга қўйиш, Гулбаҳор Абдуллаевага асаларичилик йўналишида, Илёсбек Нишоновга иссиқхона ташкил этиш, Қудратбек Жўраевга хизмат кўрсатиш соҳасида иш бошлаши учун 33 миллион сўмдан имтиёзли кредит олиб бердик.

Жорий йилда тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаётган 400 нафардан зиёд фуқарога 5 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилди. Уларнинг ҳар бири берилган имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда, турли йўналишларда иш бошлаган. Маҳалла аҳли учун керакли хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Туманда яшовчи 40 та кам таъминланган, якка ёлғиз ва боқувчисини йўқотган оилага бепул озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Жумладан, "Қашқарлиқ" маҳалласида яшовчи Қимматхон Маматқулова, "Тараққиёт" маҳалласида истиқомат қиладиган Наргиза Турғунова оиласи учун берилаётган ёрдамдан ниҳоятда миннатдор.

Одамлар авваллари "маҳалла менга ёрдам беришга мажбур", деган тушунча билан яшаган. Ислоҳотлар, аҳоли билан олиб борилаётган суҳбатлар натижаси ўлароқ, қарашлар ўзгаряпти. Ҳар бир фуқаро имконияти даражасида ҳаракат қилиши кераклигини англаб етмоқда. Боқимандалик кайфиятига берилган кишилар ўзига мос юмушларни излашни бошлаган. Бу маҳалла ходимларининг эришаётган энг катта ютуғи, десак, асло муболаға бўлмайди.

Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, "маҳалла еттилиги", сектор раҳбарлари, тижорат банклари ва ҳокимликлар ҳамкорлигида 9 минг 783 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Шундан 9 минг 228 нафари доимий иш ўринларига жойлаштирилган бўлса, 1 минг 587 нафари касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. 1 минг 500 нафар кишига кредит ва 334 нафарига субсидия маблағлари берилди. Шуниндек, 450 нафар ёшга деҳқончилик учун 67,7 гектар ер майдони ажратилди. "Сайхунобод тажрибаси"дан келиб чиқиб, 1 минг 119 та хонадон эгалари интенсив боғлар, паррандачилик, балиқ етиштириш, асал экспорти каби йўналишларда фаолиятини йўлга қўйди.

Кўрсатадиган натижаларимиз, рақамларимиз жуда кўп. Кундан-кунга ижобий кўрсаткичларни ошириш учун интиляпмиз. Бу билан қанчадан-қанча кишилар фаровон турмуш кечиришни бошлаяпти. Халқимизнинг тўкин-сочин турмуш кечириши билан энг катта мукофот ва ютуққа эришган бўламиз.

"ЯШИЛ МАКОН"

"МАҲАЛЛА РАИСИ БОҒИ"ГА КЎЧАТ ҚАДАЛДИ

Маҳаллаларда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт экиш, боғ-роғлар барпо этиш ишлари авж паллага кирган.

Ургут туманида жойлашган "Жарқишлоқ" маҳалласида 3 гектар майдонда "Маҳалла раиси боғи" барпо этилди. Янги боққа 3000 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бу жараёнда тумандаги мавжуд 120 та маҳалла раислари қатнашиб, ўз кўчатини ерга қадади. Дарахтларнинг парвариши, сув таъминоти, баравж ривожланиши учун масъуллар бириктирилди.

Қоракўл туманининг "Дўстлик" маҳалласида 1 гектар майдонда "Ёшлар ва маҳалла боғи" яратишга бел боғланди. Дарахт экиш ишларида сектор раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъуллари, жамоатчилик вакиллари, меҳнат фахрийлари ҳозир бўлдилар.

— Боғ яратиш борасидаги узоқ йиллик тажрибамизни ёшларга ўргатаётганимиздан хурсандмиз, ***— дейди меҳнат фахрийси Файзулла Бебитов.*** *— Ҳали бу боғлар бир боғлар бўлсинки, меваси ва соясидан халқимиз, авлодларимиз баҳраманд бўлиб, бизни дуо қилишади.*



Маълумот учун, бу йил туманда 1 миллион 523 минг дона мевали ва манзарали кўчат ўтказиш режалаштирилган. Шундан ижтимоий соҳа объектларида 150 минг дона, иқтисодиёт тармоқларида 50 минг дона, корхона ва ташкилотларда 10 минг дона, маҳаллаларда 350 минг дона кўчат экиш ишлари олиб борилади.

Навоий шаҳрида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида "Ёшлик" маҳалласининг бўш турган 1 гектардан ортиқ ҳудудига мингдан ортиқ дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Жорий йилда кузги дарахт экиш мавсуми давомида Навоий шаҳрида 175 минг туп дарахт кўчатлари ўтқазилиши режалаштирилган бўлиб, барча маҳалла, корхона ва ташкилотлар ҳудуди ҳамда ижтимоий соҳа объектларида кўчат қадаш ишлари давом этади.

СТАТИСТИКА

186 НАФАР АЁЛ ДЕПУТАТ БЎЛДИ!

Жорий йилги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларда аёллар фаол қатнашди.



Сайловлар натижасига кўра, сайланган депутатларнинг 38 фоизини аёллар ташкил этди ва бу Ўзбекистон тарихидаги энг юқори кўрсаткич бўлди. Депутатлар орасида аёллар сони 11 нафарга кўпайиб, 48 нафардан 57 нафарга етди.


Оила ва хотин-қизлар қўмитаси маълумотига кўра, сайловда 607 нафар қўмита тизими ходимлари, ҳоким ўринбосарлари ҳамда маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари ўз номзодини илгари сурган эди. Уларнинг 186 нафари депутатликка сайланган. Шундан 7 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, 1 нафари ҳудудий ва 178 нафари маҳаллий Кенгашлар депутати мақомига эга бўлди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

"Еттилик" уй-жой билан таъминлашда қандай кўмак беради?

Ноила ҲУСАНОВА. Тошкент шаҳри:

— "Аёллар дафтари"да рўйхатда тураман, маҳаллага уй-жой масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилгандим. Улар менинг шароитимни ўрганиб, "еттилик" хулосаси асосида ёрдам берилишини айтишди. Айтингчи, маҳалла менга қанча миқдорда кўмак кўрсата олади? Биргина ёрдам ажратиш масаласини бутун маҳалла ходимлари кўриб чиқиши шартми?



Жамшид НАЗАРБЕКОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— Президентнинг "Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига кўра, "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш "маҳалла еттилиги"нинг **коллегиал қарори асосида** амалга оширилади.

Сизнинг вазиятингизда хотин-қизлар фаоли ўзига юклатилган вазифалар юзасидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидия ажратиш бўйича ҳужжатларни шакллантириб, "еттилик" аъзоларига кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун киритади. Ҳолатингиз атрофлича ўрганилиб, Сизга фармон билан тасдиқланган **"Маҳалла еттилиги"нинг коллегиал қарорлари асосида кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва ажратиладиган субсидиялар Рўйхати**га кўра, ёрдам кўрсатилади.

Рўйхатга асосан, сектор раҳбари хулосаси асосида, оғир турмуш шароитидаги *(уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган)* хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш — **БҲМнинг 30 баравари,** турар жой ижараси учун компенсация тўлаш — **ижара тўловининг 50 фоизи, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача,** ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш — **уй-жойнинг ҳисобланган қийматининг 10 фоизи,** ипотека кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш — **32 миллион сўмни** ташкил этади. Қолаверса, "еттилик" вакиллари Сизни уй-жой билан таъминлашга ҳам тавсия этиши мумкин.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 640 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1120

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.